Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

TÜRKISTAN

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 27 март, пайшанба, №32 (3533).

Президент




## АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ТАБРИКЛАДИ

**АҚШ президенти Дональд Трамп ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевни Наврўз байрами билан табриклади, дея маълум қилди Қозоғистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ва матбуот котиби Руслан Желдибай.**

“Америка Қўшма Штатлари номидан Сизни ва бутун Қозоғистон халқини тинчлик ва умуминсоний янгиланиш байрами – Наврўз айёми билан табриклайман. Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг узоқ тарихига эга ва ишончим комилки, биз келажакда хавфсизлик, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда янги муваффақиятларга эришамиз. Буюк давлатларимиз янги марралар сари интилаётган бир пайтда, Америка халқи Қозоғистон эгаменлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига қатъий содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди”, деб ёзади Дональд Трамп ўз табрик мактубида.



## ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

### ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЮНОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Президент Астана ва Афина ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Шунингдек, у ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик муносабатлари келгусида ҳам мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Юнонистон Президенти Константинос Тасулага масъулиятли давлат хизматида муваффақиятлар, дўст Греция халқига эса фаровонлик тилади.

**Akorda.kz маълумотлари асосида.**

## ТУРКИЯДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ:

### ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТУРКИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БАЁНОТ БЕРДИ

**Қозоғистоннинг Туркиядаги элчихонаси қозоғистонликларни намойиш ва митингларда қатнашмасликка чақирди.**

“Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, одамлар гавжум жойларга бормаслик, намойиш ва митингларда қатнашмаслик, кучайтирилган хавфсизлик чораларига риоя қилиш, ҳушёр ва эҳтиёт бўлиш, янгиликларни кузатиб бориш, расмийлар кўрсатмаларига риоя қилиш, Қозоғистон Республикасининг Туркиядаги дипломатик ваколатхоналари билан алоқада бўлишга чақирамиз”, дейилади хабарда.

Элчихона аҳолини намойишлар (митинглар) ҳақидаги маълумотлар ва ҳозирги воқеаларга шахсий муносабатини билдириб, фикрларини ижтимоий тармоқларда тарқатмасликка чақирди.

Қозоғистоннинг Туркиядаги хорижий ваколатхоналари ишонч телефонлари рақамлари:

1. Қозоғистон Республикасининг Анқарадаги элчихонаси: +905352734496
2. Қозоғистон Республикасининг Истанбулдаги Бош консуллиги: +905012621465
3. Қозоғистон Республикасининг Анталиядаги Бош консуллиги: +9053944052
4. Қозоғистон Республикасининг Бош консуллиги: +905394405 998789

Эслатиб ўтамиз, Туркияда норозилик намойишлари давомида 1,1 мингдан ортиқ киши, ижтимоий тармоқларда фитна уюштириш мақсадида ёлғон маълумот тарқатган 37 киши ҳибсга олинди.

Туркияда Истанбул шаҳри мэри ҳибсга олинганидан кейин оммавий норозилик намойишлари бошланиб кетди.

**24.kz маълумотлари асосида.**

Наврўзнома – 2025

# Эзгулик тимсоли, ватан меҳрини мустаҳкамловчи қудрат

### “НАВРЎЗНОМА” ЎН КУНЛИГИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ВИЛОЯТ МАРКАЗИ ТУРКИСТОН ШАҲРИДА “ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!” НОМЛИ ТАНТАНА БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Наурыз





Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров минтақа аҳолиси ва меҳмонларини баҳорги кун ва туннинг тенглашуви байрами билан табриклади.

– Барчангизни Наврўз байрами билан чин қалбимдан табриклайман! Наврўз – янгиланиш ва тўкинлик байрами! Ота-боболаримиз 5000 йилдан буён Наврўз байрамини янги йилнинг бошланиши сифатида нишонлаб келади. Тантана айнан мамлакат жанубидан бошланади.

Наврўз умумхалқ шодиёнаси – Улуснинг улуғ куни, ҳаётий кучларнинг янгиланишини ифодаловчи ушбу ёрқин байрам инсон ички олами ва табиат уйғунлиги рамзидир. Бу даврда нафақат табиатда, балки инсонларнинг кўнглида ҳам янги умид ва орзулар куртак ёзади. Гарчи бу айём ҳар йили такрорлансада, каттаю кичик уни мўъжизани кутгандек орзиқиб қаршилайди. Чунки ёшимиз ва касб-коримиздан қатъиназар, барчамиз баҳорни, баҳорий неъматларни, кўклам нафасини соғиниб яшаймиз. Анъанага кўра, Наврўз байрами келишидан аввал одамлар ўз уйларини, хонадонларини тартибга келтириб, кўчатлар ўтқаздилар. Шу нуқтаи назардан, “Тоза Қозоғистон” дастури халқимиз анъаналари билан уйғунлашган. Мен барчани табиатни асраб-авайлашга, ҳовли ва қишлоқларни тозалашга, дарахт кўчатларини экишга чақираман. Туркистонда Наврўз байрамини нишонлаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу тарихий шаҳар халқимизнинг бешиги ҳисобланади. Яқинда давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули “Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Президентимиз вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида кўрсатмалар берди. Вилоятда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Янги мақом шаҳарнинг янада тараққий этишига туртки беради. “Ҳунармандлар шаҳри” барпо этилмоқда. Бундан ташқари, замонавий отчопар қурилиши давом этмоқда. Туркистон сайёҳлик марказига айланмоқда. Шаҳарнинг индустриал минтақасида янги заводлар очилмоқда. Наврўз келиши билан баҳор нафасидан борлиқ танасига қайта жон киради.

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар!

## Туркистон “Ҳунармандлар шаҳри” мақомини олди

**Туркистон шаҳри “Жаҳон ҳунармандчилик кенгаши” халқаро ташкилоти қарори ва “Жаҳон ҳунармандчилик кенгаши”нинг тавсияси билан “Ҳунармандлар шаҳри” мақомига эга бўлди.**

Аввал хабар қилинганидек, февраль ойида “Жаҳон ҳунармандчилик кенгаши” халқаро ташкилоти аъзолари ва Жаҳон ҳунармандчилик кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича вице-президенти, Ҳиндистон, Туркия ва Жануби-Шарқий Осиёдан минтақавий экспертлар махсус Туркистон шаҳрига ташриф буюрган эди. Улар шаҳарнинг имкониятларига юксак баҳо беришди.

Мутахассисларни шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекули қабул қилиб, Туркистонга “Халқаро ҳунармандлар шаҳри” мақомини бериш таклифини илгари сурган эди. Натижада, Наврўз байрами ўтаётган пайтда Туркистон шаҳри “Ҳунармандлар шаҳри” мақомини расман тасдиқловчи сертификатга эга бўлди.

Туркистонда ҳунармандчилик миллий анъаналар доирасида замонавий талаблар билан бақамти ривожланмоқда. Ҳунармандларнинг сопол буюмлари ўзининг нафислиги, мураккаб нақшлари, юқори сифати билан ажралиб туради. Келгусида ҳунармандлар харажатларининг 25 фоизи “Махсус мақом” доирасида субсидияланади. Шунингдек, яқин кунларда “Ҳунармандлар маркази”ни ҳам фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**




## САРИОҒОЧ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Сариоғоч тумани аҳолиси билан учрашуви **2025 йил 27 март куни соат 15.00да қишлоқ маданият уйи (Сариоғоч шаҳри, Шўраули кўчаси, 44а-уй)да ва шахсий қабули туман ҳокимлиги биноси(Сариоғоч шаҳри, С. Исмаилов кўчаси, 39-уй)да** ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

## ТЎЛЕБИЙ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Тўлебий тумани аҳолиси билан учрашуви **2025 йил 28 март куни соат 15.00да “Ёшлар имконият маркази” (Ленгер шаҳри, Айтеке бий кўчаси, 50-уй)да, шахсий қабул соат 16:00да туман маданият уйи (Ленгер шаҳри, Тўлебий кўчаси, 237-уй)да** ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

## ҚАЗИҒУРТ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Қазиғурт тумани аҳолиси билан учрашуви **2025 йил 28 март куни соат 10.00да 1-сонли болалар санъат мактаби, (Қазиғурт қишлоғи, Ертис кўчаси, 27-уй)да, шахсий қабули соат 11:00да туман ҳокими девони биноси (Қазиғурт қишлоғи, Д. Қўнаев кўчаси, 95-уй)да** ўтишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

# Эзгулик тимсоли, ватан меҳрини мустаҳкамловчи қудрат

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёши улуғлар юртда тинчлик-осойишталик бўлсин, деҳқончилигимиз унсин, деб дуога қўл очади. Қорли-қировли кунларни даласини соғиниб ўтказган деҳқон баракали ва мўл ҳосил олиш умиди билан Наврўз палласида ерга уруғ қадайди, кўчат ўтказади, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришга интилади. Туркистон ўлкасининг меҳнаткаш аҳолиси баҳорнинг ҳар бир куни деҳқончилик учун муҳим эканини яхши билади. Жорий йилда 900 минг гектар экин майдонининг 700 минг гектари шудгорланди. 5 минг гектар майдонга эртапишар сабзавотлар экилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сув тақчиллиги, суғориш каналларининг ишдан чиқиши муаммоларини ҳал этиш устида ишлаяпмиз. Пахта, маккажўхори, гўшт кластерларини ривожлантирамиз. Туркий оламнинг маданий-маънавий маркази ҳисобланган Туркистон шаҳрида ҳам Наврўз байрами юксак савияда нишонланмоқда. Наврўз фалсафаси – эзгулик тимсоли ва ватан меҳрини мустаҳкамловчи қудратдир. Барчани байрам билан табриклаб, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилайман! – деди Нуралхан Кўшеров.

Туркистоннинг энг гўзал масканларидан бирига айланган "Карвон сарой" мажмуасида одамлар гавжум бўлди. Бу ерда амалий санъат усталари ва рассомларнинг кўргазмалари ташкил этилиб, меҳмонлар халқимизнинг бой маданияти билан яқиндан танишдилар. Миллий таомлар




кўргазмасида меҳмондўстлик анъаналари намойиш этилди. Миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, Наврўз байрамининг ранг-баранг анъаналари давом этди.

Концерт дастурида Қозоғистон эстрадаси юлдузлари иштирок этди.

***

**Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида Наврўз байрами юксак савияда уюштирилиб, одамлар ўртасида қувонч ва ҳамжиҳатлик муҳити яратилди.**

Наврўз байрами муносабати билан Жетисай туманида 62 оила бошпана билан таъминланди. Байрам тадбирида туман ҳокими Серик Мамитов ва "АМАНАТ" партияси Жетисай туман бўлими ижроия котиби Асқар Қайназаровлар махсус иштирок этиб, хонадон соҳибларини байрам билан табриклашди.

***

**Байрам арафасида Туркистонга Jibek Joly халқаро поездида 300 нафар сайёҳ ташриф буюрди.**

Саёҳатчилар Туркистон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб, Наврўз байрамида иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, Jibek Joly сайёҳлик йўналиши ўтган йили ишга туширилган. Саёҳат давомида йўловчилар Алмати шаҳридан бошлаб, Туркистон, Тошкент, Самарқанд ва Шимкент шаҳарларига ташриф буюриб, уларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишмоқда.

***

**"Турон дала, муқаддас Туркистон!" деб номланган республика оқинлар айтишуви ҳам Наврўз байрамининг улуғворлигини таъминлади. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 14 нафар оқин иштирок этди. Натижада, бош совринни Шуғайип Сезимхан (1 500 000 тенге) қўлга киритди. Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев ғолибни табриклаб, мукофотни топширди.**

Биринчи ўрин Даурен Ақсақаловга, иккинчи ўрин эса Нурбек Бакирга насиб этди. Уч шоир учинчи совринни қўлга киритди, улар – Асел Ережеқизи, Мухтар Ниязов, Зилиха Науризалина. Бошқа иштирокчиларга ҳам махсус совғалар ва пул мукофотлари тақдим этилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

# МАКТАБГА ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

**Ўтган йили фаолиятини бошлаган "Мектеп Жаңа Иқан" таълим даргоҳи директори Кудратулла Юнусов нафақа ёшига етиб, фахрий ҳордиққа чиқди. Мактаб муассиси, Саврон туман маслаҳати депутати Дилмуҳаммад Ирисбоевнинг тавсиясига кўра, Тожимурод Миразиз ўғли янги раҳбар этиб тайинланди.**





Т. Саидов бунга қадар Эски Иқон қишлоғидаги С. Раҳимов номли умумтаълим мактабида информатика фани ўқитувчиси ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият юритган. У Саврон тумани ёшлар Ассамблеяси раиси вазифасини ҳам шараф билан адо этмоқда. Янги раҳбарга мустаҳкам саломатлик, жамоа билан янги зафарларга эришиш саодатини тилаймиз.

**Ойсултон АБДУҚОДИРОВА,**
**мактаб кутубхонаси мудираси.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Муаллиф суратга олган.**

## Туркистон вилоят маслаҳати

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

2025 йил 2 апрель куни Кентов шаҳрида соат 15.00да ўтадиган Туркистон вилоят маслаҳати депутатларининг аҳоли олдидаги ҳисобот йиғилиши соат 17.00га қолдирилди.

***Манзил:** Кентов шаҳри, Яссавий шоҳкўчаси, 87-бино, шаҳар ҳокимлиги биноси.*

## Түркістан қаласы бойынша Мемлекеттік кірістер басқармасының 93-баптың талаптарына сәйкес келетін мәжбүрлі тәртіппен таратуға жататын салық төлеушілер тізімі

| Р/с | СТТН (РНН) | БСН/ЖСН | Салық төлеушінің атауы | Салық органының коды | Салық органының мекенжайы |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 330920018080 | 780627400581 | РЫСОВА БАГДАТ СЫРЛЫБАЕВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 2 | 330920255946 | 900210302264 | ШАЛАБАЕВ ЫБРАХЫМ АНАРБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 3 | 330920364787 | 960101401151 | ҚОЗЫТАЙ ҚҰНДЫЗАЙ ЖАНАТҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 4 | 330920383464 | 781204303611 | СЕЙСЕНБАЕВ АМАНГЕЛДЫ КЕНЕСБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 5 | 481020029757 | 620717350559 | АМИРЖАНОВ ДУЛАТ КАЖЕНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 6 | 580220305985 | 930801401855 | БЕКМҰРАТОВА АЙДАНА ЕРТАЙҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 7 | 580320199082 | 611204401846 | КҮДЕРБАЙ ЛӘЗЗАТ ЕРКІНБЕКҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 8 | 580320222344 | 860530302264 | АҚАНСЕРІ ЖАҚАН АҚАНСЕРІҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 9 | 580320304067 | 850803301951 | КАЮМОВ ЕРКЕБУЛАН БАЙКЕНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 10 | 580520252046 | 000721600158 | БАЙСАЛБАЕВА АҚНИЕТ БИБІХАНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 11 | 580520460347 | 971210301013 | ӘШІМ ЖАСҰЛАН ЕСІМХАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 12 | 580821059113 | 010911501615 | ТОЙЧИЕВ БАХБЕРГЕН НУРКЕНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 13 | 581022484647 | 980619300810 | ТУХТАМУРАДОВ МУХАМБЕТ АМАНКЕЛДИУҒЛИ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 14 | 581122077213 | 020702500766 | НУГМАН СУЛТАН НУРЖАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 15 | 581122331104 | 950801302107 | БАУЫРЖАН САТТАРХАН ЖАСҰЗАҚҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 16 | 581220746397 | 880407301805 | НАЛТАЕВ АЗАМАТ АБДУЛЛАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 17 | 581320308876 | 920226402073 | ТАЖМАХАНБЕТОВА ӘЛИЯ ЖАРҚЫНБЕКҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 18 | 581320523520 | 011006501335 | КАРЖАУБАЕВ ВЛАДИМИР ПАВЛОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 19 | 581410216517 | 711128301253 | НАБИЕВ АБДУКАРИМ АБИБУЛЛАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 20 | 581820223178 | 901016302193 | МАМБЕТОВ БАУЫРЖАН ИМАНӘЛІҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 21 | 581820791163 | 011017500892 | ИРЫСБАЙ САНЖАР РУСТЕМҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 22 | 581820803996 | 030322500891 | МАХЫМБЕТ БЕРЕКЕ ЖАРҚЫМБЕКҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 23 | 582010095468 | 710225400800 | АШИМОВА САЙАРА ЖОРАШОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 24 | 582010110072 | 560729402001 | АБДУКАДЫРОВА ШАРИПА ШАКИРОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 25 | 582010190254 | 450623300337 | ЮСУПОВ БАГДАУЛЕТ КАЛЫКБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 26 | 582010232308 | 610224401006 | РАИМОВА РАУЗА ШЕРАХАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 27 | 582010461018 | 730130300772 | КАСАЕВ ФАРХАТ ИБАДУЛЛАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 28 | 582010527322 | 590501302239 | КАЛЖАНОВ ЕРМАХАНБЕТ БАЖЕНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 29 | 582010528199 | 740711300435 | КЕУТІШ АСҚАР ЖОЛДАСБЕКҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 30 | 582010603636 | 750503301553 | АЗИМОВ АЗИМЖАН ДЖУРАБЕКОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 31 | 582010607830 | 430302401085 | БАБАЖАНОВА ЗУРА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 32 | 582010615809 | 560315400857 | КАЛДИБЕКОВА ДАМЕЛИ КОЗЫБАГАРОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 33 | 582010642421 | 600501301959 | СЫЗДЫКБАЕВ БЕКЕН ОНГАРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 34 | 582010669291 | 380709300061 | САЙДМУРАДОВ ТОЛКИН | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 35 | 582010812213 | 591118301935 | АЛИЕВ ЖАКЫП МАМЫРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |

Жасорат унутилмайди

# ЁШ АВЛОД УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

БУЮК ҒАЛАБАГА 80 ЙИЛ

## УВУ ФАХРИЙСИ, МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЭРГАШ ИЗЗАТУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН







**Эргаш Иззатуллаев 1926 йили 8 октябрда Туркистон тумани, Бирлик қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Қишлоқдаги бошланғич, сўнгра шаҳардаги М. И. Калинин номли мактабда таҳсил олди. Оилавий шароитга кўра, 5-синфдан сўнг жамоа хўжалигида меҳнат фаолиятини бошлади.**

1944 йили ўз ихтиёри билан ватанни ҳимоя қилиш учун УВУ жанг майдонига отланди. Калининграддан Берлинга қадар бўлган ҳаёт-мамот жангларида иштирок этди. Жанг майдонларидаги жасорати учун ўн иккита жанговар медаль ва Улуғ Ватан уруши ордени билан тақдирланган.

1950 йили 6 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг она юртига қайтиб келди. Вилоятда биринчилардан бўлиб пахтачилик комсомол ёшлар бригадасини ташкил этиб, унга етакчилик қилди. Сидқидил ва тинимсиз меҳнат маҳсули – гектар сайин пахта ҳосилдорлиги 23,5дан 48,5 центнерга кўтарилди. Бу – деҳқончилик, пахтачиликда мисли кўрилмаган рекорд ҳосил эди. Э. Иззатуллаев ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашиш мақсадида 1975 йили Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё минтақаси қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойида иштирок этиб, пахтачилик соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида маъруза қилди.

Пахта етиштиришдаги ютуқлари учун СССРнинг Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. Хусусан, "Меҳнат қизил байроқ" ордени, кўплаб медаллар ҳамда 1972 йили "Социалистик Меҳнат Қаҳрамони" унвони билан тақдирланди.

Э. Иззатуллаев эл корига камарбаста бўлиб, "Бирлик" умумтаълим мактаби қурилишига ўз ҳиссасини қўшди. Ўша кездаги Қозоғистон вазирлар кенгаши раиси ўринбосари Е. Гукасов қабулида бўлиб, янги услубдаги мактаб қурилиши учун 3 гектар ер ажратилишига, Туркистон туманида биринчи бўлиб "Бирлик" мактабида бошланғич синф ўқувчиларини иссиқ таом, бепул дарсликлар билан таъминланишига эришди. Мактабдаги барча йиғилиш ва тантанали тадбирларда фаол иштирок этиб, ёшларни яхши ўқиш, илм ва ҳунар эгаллашга даъват этарди. Аълочи юқори синф ўқувчиларини ўз ҳисобидан мунтазам рағбатлантирган.

Умр йўлдоши, қаҳрамон она Жаҳон Жунай қизи билан қобил фарзандлар – Мақсуд, Ёқубжон, Одилхон, Наби ҳамда Назира, Замира, Зарифа, Муҳаббатларни тарбиялаб, вояга етказган.

Ҳаётини юрт равнақи ва ёшлар тарбиясига бахшида этган Эргаш Иззатуллаев 1992 йили 66 ёшида вафот этди. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 1997 йил 12 майдаги 817-сонли қарорига мувофиқ, "Бирлик" ўрта мактабига унинг номи берилди. Меҳнат қаҳрамонининг тўнғич фарзанди, таниқли устоз Мақсуд Эргаш ўғлининг саъй-ҳаракатлари билан Э. Иззатуллаев номли мактаб ҳовлисига ёдгорлик ўрнатилган, махсус зал жиҳозланиб, ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот берувчи манбалар жамланган. Э. Иззатуллаевнинг шонли ҳаёти, деҳқончиликда эришган ютуқлари бугунги ёш авлод учун ибрат ва ўрнак мактабидир.



**Муҳаммадрасул ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
**Э. Иззатуллаев номли мактаб директори.**
Туркистон шаҳри.

**Тасвирларда:** Э. Иззатуллаев; ўқувчилар билан мулоқот чоғида; мактаб директори М. Иззатуллаев; оила-аъзолари даврасида.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 36 | 582010849626 | 650904300792 | МАМБЕТОВ СЕРИК КОЖАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 37 | 582010891807 | 780205302081 | АШИМОВ АЗИЗ ЖОРАШУЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 38 | 582010977544 | 800331401051 | УРМАНОВА АСИЯ АЛЬМАХАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 39 | 582020027468 | 800201303619 | ЖАНБОЛАТОВ ЕРЛАН АБДИХАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 40 | 582020100671 | 760907401171 | БАБАЖАНОВА РАМУЗА АБДУРАЗАКОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 41 | 582020121663 | 820320302681 | НАБИЕВ СУХРАБ ЗАКИРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 42 | 582020164975 | 850423302508 | ШИЛИКБАЕВ МАКСАТ МАХМУТОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 43 | 582020181931 | 770810303691 | ТАУБАЕВ МАРАТ АРИСТАНБЕКОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 44 | 582020182676 | 710826302461 | АШИРМЕТОВ РАУШАНБЕК ТОМАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 45 | 582020194031 | 730319301262 | ТУЙМЕТОВ РИНАТ РАМЕТОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 46 | 582020227658 | 870912401022 | АБДУЛХАКОВА ИРОДА БАЛТАБАЕВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 47 | 582020234210 | 820329400135 | ТУЛЕМИСОВА КАЗНАГУЛ АЛАЙДАРОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 48 | 582020254171 | 810119400944 | БАЙМАГАНБЕТОВА РАБИГА АМАНГЕЛДИЕВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 49 | 582020258658 | 761220402306 | НАЙМАНБАЕВА АЙГУЛЬ СРАЙЫЛОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 50 | 582020259029 | 731113301873 | ХАЖИМОВ АБДУГАНИ КАРИМОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 51 | 582020292493 | 870424402335 | ДЖУМАШЕВА АКЕРКЕ САРСЕНБАЕВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 52 | 582020294511 | 860520303109 | СПАБЕКОВ ТАУКЕ КУРМАНБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 53 | 582020357018 | 810731302822 | АБДУЛЛАЕВ САМАТ САЙТХАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 54 | 582020379008 | 680131402194 | КОРГАМБАЕВА ГУЛСАРА ЕРМЕКОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 55 | 582020411390 | 830217402510 | НАЗАРОВА ЗУЛХУМАР МУРАТХАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 56 | 582020413078 | 770723303014 | НАРМЕТОВ ДАВРАН НУРХАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 57 | 582020447963 | 680208302819 | ШОХАНОВ БАКЫТЖАН ИСАХАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 58 | 582020479620 | 860330301338 | АХМЕТОВ МАМИР ТАЙЫРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 59 | 582020483002 | 761011302809 | КАЮМОВ БАБИРЖАН ЭРГАШБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 60 | 582020485185 | 840522401929 | ХОЖЯНОВА МАЛИКА ИБРАГИМОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 61 | 582020510058 | 820918302157 | ПЕРХУН ВАЛЕРИЙ ВИКТОРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 62 | 582020512670 | 870322300734 | АБДИРА УФҰЛЫ МАХМАДДИН | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 63 | 582020515664 | 581107403708 | САИДАЗИМОВА ДИЛБАР МУХАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 64 | 582020553315 | 890111301203 | НУРПЕИСОВ БЕРИК ПОЛАТОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 65 | 582020592723 | 890126302263 | АЛИМАНОВ СЕРИК АЛИБЕКОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 66 | 582020599170 | 801109302257 | ТУРСЫМЕТОВ ЕРГЕШБАЙ НАБИХАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 67 | 582020633537 | 890504302169 | БАБАХАНОВ ЖАНРИД ИДРИСОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 68 | 582020664123 | 900311301750 | ТУТЕЕВ БЕКТАЙ КУРМАШОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 69 | 582020693783 | 740121302286 | БАЛТАЕВ АЗИМЖАН АБДУКАХХАРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 70 | 582020705791 | 910109300578 | РАСУЛОВ МУРАДИЛ СУЛТАНБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 71 | 582020720894 | 900427301870 | ШАЛТАЕВ НУРСУЛТАН АЙБЕКУЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 72 | 582020779311 | 910402402583 | ТУРСУННАЗАРОВА НИГАРА АБУТАЛИПОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 73 | 582020798879 | 900121402465 | САРАМСАКОВА ГУЗАЛ АБДУРАШИТОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 74 | 582020823092 | 610210403644 | ХАЙДАРОВА АЛИМА СУНЕТИЛЛАКЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 75 | 582020830656 | 830926302905 | ДАДАНОВ ЯКУБЖАН ЖАПАРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 76 | 582020897646 | 980505300563 | МУХУТДИН ЖАМШИД МАХМУТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 77 | 582020973337 | 910411402542 | ИСАКОВА МИНАВВАР ШОХИДДИНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 78 | 582020983268 | 930918401178 | КАСИМОВА РАХБАР ЭРКІНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 79 | 582021015492 | 971109400489 | НЕМАТЖАНОВА МАЛИКА МУХАММАДЖАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 80 | 582021073654 | 941231301032 | ЯКУПОВ МАҚСАД ҚАДИРҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 81 | 582021094338 | 980606300453 | КӨЛБАЙ БАҒДАУЛЕТ ӘЛСЕЙТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 82 | 582021119337 | 940521401746 | КАДЫР ҚҰРБАНАЙ АЛІШҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 83 | 582021188442 | 990909300303 | МАЛИКОВ ТАЛҒАТ ПЕРНЕБАЙҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 84 | 582021256460 | 960528300496 | АБАТБЕК МҰРАТ ҚАНАТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 85 | 582021290580 | 950109301246 | МАМАДЖАНОВ ИСЛАМ БАХТИЯРҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 86 | 582021329645 | 961014300206 | ЖАЗБЕК ДАРХАН СЕЙІЛХАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 87 | 582021383639 | 010205500524 | СЕЙДАЗ БЕКНҰР МАРАТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 88 | 582021412856 | 960703400820 | ГАЗИЕВА ФЕРУЗА ТӨРЕХАНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 89 | 582021423631 | 020809501012 | ӨМІРБЕК ТҰРАР САҒИТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 90 | 582021430807 | 030117500976 | НАУРУЗБАЕВ АСАДБЕК ТОЛКИНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 91 | 582021473077 | 971003401202 | АЙТЖАН ЖАННА АНАРБАЙҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 92 | 582021484534 | 560106302682 | КАСИМОВ ШЕРМАХАН ЕРГЕШОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 93 | 582021547646 | 960901301664 | АБДУЛЛАЕВ ДОСТОН РУСТАМУГЛИ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 94 | 582021589410 | 980811300676 | ХАЙТМЕТОВ МАХСУД УНКАСОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 95 | 582021589597 | 980817301270 | СРАШЕВ ФАРРУХ КАРОМАТДИНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 96 | 582021595272 | 980814301521 | ЖУНИСОВ АСЫЛХАН КАЙЫРХАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 97 | 582021601941 | 990204301418 | ТУРСУНМАМАТОВ АЗАМАТ ВАХИТОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 98 | 582021609870 | 990104300545 | ЕРКІНБЕК ҚАСИЕТ ШӘРІПХАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 99 | 582021649363 | 990310301008 | БАҚЫТЖАН САМАТ БАҚЫТЖАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 100 | 582021679992 | 990914301061 | БАБОНОВ МАХМУД МАХСУДҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 101 | 582021682222 | 990810300701 | СЕГІЗБАЙ ЖАСҰЛАН ЕЛУБАЙҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 102 | 582021684185 | 910921302787 | ДЖУМАБАЕВ СҰЛТАНБЕК ҚУАНЫШҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 103 | 582021684449 | 990914300152 | ХАМРАЕВ УЛУҒБЕК ҒАЙРАТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 104 | 582021718007 | 000514500780 | КУЛАХМЕТ МАҚСАТ ЖАҚСЫБЕКҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 105 | 582021755760 | 000626501064 | МАМАРАСУЛОВ НИШОН ГАФУРОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 106 | 582021756659 | 000423500984 | ХАЛДАРБЕК РАХМЕТЖАН ШАМУРАТҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 107 | 582021779570 | 011210601053 | АУЕЗОВА АРАЙЛЫМ БАҚЫТЖАНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 108 | 582021789105 | 000414501359 | ІЛЕСХАНҰЛЫ ИАССАУИ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 109 | 582021923985 | 030509502319 | ТИМЕТ БЕКЗАТ АУЕНХАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 110 | 582021968765 | 010417600924 | СУЛЕЙМЕНҚЫЗЫ АЙЖАН | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 111 | 582022006070 | 020723501164 | СҮЛЕЙМЕНОВ МАҚСАТ МЕЙРАМБЕКҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 112 | 582022066723 | 010508500879 | НАБИЕВ ЕРСҰЛТАН ЕРЛАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 113 | 582022066789 | 010725600280 | СҮЙІНДІКОВА АҚЕРКЕ ЖЕҢІСХАНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 114 | 582022076742 | 011030500942 | УМАРОВ АХМАДЖОН ФАРХОДОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 115 | 582022083998 | 010830501095 | БОСТАН АЯН СРАЙЫЛҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 116 | 582022087605 | 010712601258 | ҚОШҚАРОВА УГИЛЖОН БАХОДИРҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 117 | 582022163043 | 020219501015 | ТУРГАНБЕК БЕКСҰЛТАН СЕРІКҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 118 | 582022167376 | 020429600987 | БЕЙСЕНОВА ГҮЛЗАДА ИСАХАНҚЫЗЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 119 | 582022178437 | 020618500859 | ЫБЫРАЙЫМ НҰРДӘУЛЕТ ҮСЕНҒАЛИҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 120 | 582022189718 | 021027501282 | ТҰРҒАНБЕК МЕЙІРЖАН НҰРЛАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 121 | 582022199704 | 020313501204 | ҚОЖАН НАУРЫЗБАЙ АСҚАРҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 122 | 582022203420 | 890718302866 | КУРГАНБЕКОВ НУРДАУЛЕТ ОРАЗБАЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 123 | 582022233257 | 031103501257 | СЕРІКБАЙ РАМАЗАН ЕРЛАНҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 124 | 582022281587 | 021017500577 | ИРИСМАТ ШУХРАТ РУСТАМҰЛЫ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 125 | 582121239584 | 630412302116 | ЕРГАРАЕВ БАГЛАН БЕЙСЕНБЕКОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 126 | 582122175953 | 910730302927 | МУСАЕВ СУННАТУЛЛА ЗАХИТЖАНОВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 127 | 582123418088 | 010218501305 | ЖУРАВСКИЙ АЛЕКСЕЙ ИГОРЬЕВИЧ | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 128 | 582123568885 | 000415600500 | ШЕРБУТАЕВА СЕВАРА РАСУЛЖАНОВНА | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 129 | 582000232050 | 210240005457 | «Туркестанское областное ОО защиты прав потребителей и предпринимателей Союз Потребителей Юга» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 130 | 582000230175 | 200740013642 | Общественный фонд «INTEGRITY TURKISTAN» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 131 | 582000219845 | 141240008667 | ОО «Спортивный клуб инвалидов «Түркістан» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 132 | 582000227406 | 190540031728 | ОО «Федерация Баскетбола и 3х3 Туркестанкой области» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 133 | 582000227615 | 190740003472 | ОО «Федерация водных видов спорта, водного поло и триатлона Туркестанской области» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 134 | 582000233873 | 210740022435 | ОО «Федерация Фунакоши Шотокан Каратэ Туркестанской области» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 135 | 582000025693 | 960840002638 | Полное товарищество «Абилов и компания» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 136 | 582000235132 | 211140002997 | Социальный корпоративный фонд «Qayirli jan» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 137 | 582000233895 | 210740024668 | ТОО «Алтын ғасыр-XXI» мектебі» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 138 | 582000225718 | 181240015934 | ТОО «ARL GROUP» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 139 | 582000230824 | 201040009651 | ТОО «Aspazz» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 140 | 582000230791 | 201040007883 | ТОО «Аромат Востока» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 141 | 582000233345 | 210540028070 | ТОО «НУР-САЯ» школа-интернат» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 142 | 582000231020 | 201140003252 | ТОО «»Эльбрус» VIP» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 143 | 582000228261 | 190940034668 | ТОО «Arifzhanov» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 144 | 582000235253 | 211140022535 | ТОО «ASM Project» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 145 | 582000233884 | 210740024510 | ТОО «AU-RA nedra» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 146 | 582000225432 | 181140010226 | ТОО «GOLDEN FORT» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 147 | 582000232985 | 210440039469 | ТОО «Green City Turkestan» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 148 | 582000228327 | 191040011768 | ТОО "Han Beton (Хан Бетон)» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 149 | 582000234464 | 210840033672 | ТОО «Hurrem Sultan San Soloni (Хюррем Султан Сан Салони)» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 150 | 582000226386 | 190240026126 | ТОО «Kaz Adil» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 151 | 600400693196 | 150440016008 | ТОО «KAZ Drink» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 152 | 582000235110 | 211040037272 | ТОО «M.BOZKURT (М.БОЗКУРТ)» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 153 | 582000229049 | 200240012597 | ТОО «NanoBioTech Corporation» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 154 | 582000234266 | 210940010934 | ТОО «ND Onalbay» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 155 | 582000231613 | 210140000244 | ТОО «Onalbai Holding Inc.» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 156 | 582000234475 | 210840033850 | ТОО «Qarachyq tas» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 157 | 582000226331 | 190240020286 | ТОО «Qausar Consult» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 158 | 582000230120 | 200740004673 | ТОО «ShahAmir service» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 159 | 582000233125 | 210540008383 | ТОО «Standart Project Invest» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 160 | 582000227912 | 190840013027 | ТОО «STROI INVENT» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 161 | 620500083165 | 170540015821 | ТОО «Tai-Tur Energy» (Тай-Тур Энерджи) | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 162 | 582000229710 | 200640001209 | ТОО «Tremeseli Holdings Limited Kz (Тремесели Холдингс Лимитед Кз)» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 163 | 582000225784 | 181240021502 | ТОО «TULPAR-001» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 164 | 620200625737 | 190540026523 | ТОО «Tur-Gan Pharma (Тур-Ган Фарма)» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 165 | 601000029326 | 180140005683 | ТОО «UniStarGroup» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 166 | 582000234981 | 211040026356 | ТОО «UNIVERSAL AS» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 167 | 582000223612 | 180140035090 | ТОО «АЙ-БАСТАУ» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 168 | 582000235231 | 211140020192 | ТОО «АЙ-КЕРІМ» школа искусств» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 169 | 582000233763 | 210640031222 | ТОО «Аймак-Тау Курылыс» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 170 | 582000219097 | 140140026410 | ТОО «АНИПА ҚАЗЫНА» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 171 | 582000234508 | 210940031431 | ТОО «Атамұра Несие Серіктестігі» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 172 | 582000217541 | 110740012516 | ТОО «Боран-Түркістан» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 173 | 582000223700 | 180240006784 | ТОО «ЖАН-ДАУА 2» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 174 | 582000223887 | 180340026405 | ТОО «Заңғар проект» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 175 | 582100297477 | 090540002031 | ТОО «Заңғар ХАН» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 176 | 582000232842 | 210440026259 | ТОО «Инерт-материал» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 177 | 580300217107 | 120140022880 | ТОО «Каз Строй Сункар Ордабасы» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 178 | 582000232567 | 210340022480 | ТОО «Компания «Асыл-Ан» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 179 | 582000234189 | 210840027737 | ТОО «КСК Асемгул» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 180 | 582000232732 | 210440007574 | ТОО «МАТИЕВ LTD» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 181 | 582000218957 | 131240001281 | ТОО «Мухлиса» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 182 | 582000233972 | 210840001307 | ТОО «Начальная школа для одарённых детей «GLOBUS»» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 183 | 582000233939 | 210740031286 | ТОО «ОЗЕРГУН» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 184 | 581800213083 | 100840017013 | ТОО «Сара-Строй» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 185 | 582000234651 | 211040011556 | ТОО «Сауран NN» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 186 | 582000233508 | 210640011093 | ТОО «Спортивный клуб по казах курес Туркестанской области» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 187 | 582000232919 | 210440033053 | ТОО «Строй Контракт Group» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 188 | 582000232043 | 210240006396 | ТОО «ТКМ-ЛТД» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 189 | 582000220145 | 150440005966 | ТОО «ТОО Сувинер» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 190 | 582000231866 | 210140029232 | ТОО «ТУРАН-2021» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 191 | 582000232853 | 210440026873 | ТОО «Туркестан инерт» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 192 | 582000230780 | 201040003953 | ТОО «Туркестан ПОЖ-Сервис» | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 193 | 582000028929 | 010440016120 | ТОО «Туркестан Агро-Сервис». | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |
| 194 | 582000213978 | 060640021272 | СПК «Туркестан-Агропродукт». | 5820 | Түркістан қаласы Жаңа қала 11 көше 32 ғимарат |

Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти

# УЛАР – ФАХРИМИЗ!

**Вилоят “AMANAT” партияси идораси қабулхонасида минтақа раҳбари ўринбосари Ертай Алтаев ҳамда партиянинг вилоят бўлими раҳбари Алтинсари Умбеталиев фуқаролар қабулини ўтказишди.**



Туркистон шаҳри “Бирлик” кичик тумани ҳокимлиги вакили Ҳусан Маҳкамбоев, “Бирлик” умумтаълим мактаби директори Тўлқин Маҳкамбоев, ўринбосари Қурбонали Султонов билан қабулда иштирок этдик.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси номидан “Бирлик” мактабига адиб Носир Фозилов номини бериш хусусида тайёрланган ҳужжатлар, уларга расмий ташкилотлардан олинган жавоблар билан диққат билан танишиб чиққан Е. Алтаев ушбу таклиф ижобий ҳал қилинишини, бунинг учун адиб тарихий шахслар рўйхатига киритилиши даркорлигини баён этди. Таржимаи ҳол, мукофотлар ҳамда мактаб жамоасининг йиғилиши баённомаси шаҳар, сўнгра вилоят ономастика комиссиясига тақдим этилади.

Туркистон вилоятида таваллуд топган жаҳонга машҳур адиблар Одил Ёқубов, Носир Фозиловлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Китоблари миллионлаб нусхаларда нашр этилган адиблар номи киндик қони томган она юртидаги умумтаълим мактабларга бериладиган кунлар яқин...

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирда:** Абай давлат мукофоти соҳиби Қулбек Ергўбек қадрдон ҳамкасб-оғалари Одил Ёқубов ва Носир Фозилов билан.

Обуначиларимиз орасида

# ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТДА ИФТОРЛИК

**Халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети ректори, фаол обуначимиз Алибек Шўқпаров таклифи билан ушбу олий ўқув юрти уюштирган ифторликда вилоят, шаҳар оқсоқоллар кенгаши аъзолари, олимлар ҳамда Тойир Абдувалиев, Ҳусан Маҳкамбоев каби обуначиларимиз билан иштирок этдик.**



Фаол отахон Тўлқин Саидмуродов, имом Саъдулла Аҳмедов ва бир гуруҳ ҳурматли меҳмонлар мезбон Алибек Жумабекулига таклиф учун миннатдорчилик билдиришди. Туркистон вилояти жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида А. Шўқпаров ушбу ташкилотнинг дастлабки йиғилиши ҳақида таассуротларини баён этди. Ёш оқин халқаро университет равнақига бағишланган мадҳияни ижро этди.



Дастурхон устида Туркистонга берилган алоҳида мақом ва кўпчилик масъулияти ҳақида ҳам гап борди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Муаллиф тасвири.**

Спорт

# МЕҲНАТ ВА ИХЛОС ЮТУҚЛАР КАЛИТИ



**Эски Иқон қишлоғидаги С. Раҳимов номли умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Элруҳ Сулаймонов раҳбарлигидаги 9-11-синф ўқувчилари енгил атлетика бўйича туман миқёсида ўтган мусобақада фахрли биринчи ўринни эгаллаб, вилоятга йўлланма олди.**

А. Яссавий номидаги ХҚТУда миллий мактаб лигаси бўйича енгил атлетикадан ўтган вилоят мусобақаларида ҳам ўқувчиларимиз ғалабага эришди. Мактабимиз ўғил болалар жамоаси биринчи, қизлар жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Мактаб шаънини ҳимоя қилган ғолиб ўқувчиларимиз – Рўзибек Абдусатторов, Асрорбек Зиёхонов, Олтинбек Ботухонов, Элбурс Тожихонов ва Сардорбек Азимжоновлар республика мусобақаларида иштирок этишади.

**Ахтамхон АХТАМОВ,**
**С. Раҳимов номли мактаб директорининг ўринбосари.**
Саврон тумани.

**Тасвирда:** устоз Элруҳ Сулаймонов ғолиб ўқувчилар даврасида.

**Муаллиф суратга олган.**

# АНЖУМАН МЕНИНГ НИГОҲИМ БИЛАН

**Дунё миқёсида етакчилик, таълим ва инновациялар бўйича энг нуфузли тадбирлардан бири – Harvard Asia Conference (HPAIR) бўлиб, у ҳар йили минглаб истеъдодли ёшларни жамлайди.**

Бу йил мен ушбу дунёвий дастурда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим ва бу тажриба менга кўплаб янги имконият эшикларини очди.

## HPAIR нима ва у менга қандай таъсир қилди?



HPAIR – бу Гарвард университети томонидан ташкил этиладиган халқаро анжуман бўлиб, унда таълим, технология, иқтисодиёт, барқарор тараққиёт ва бошқа долзарб мавзулар муҳокама қилинади. Анжуманга бутун дунёдан ёш етакчилар, тадбиркорлар, олимлар жамланади.

Мен ушбу анжуманда иштироким жараёнида нафақат илмий ва дунёвий билимларимни бойитдим, балки, янги дўстлар, ҳамкорлик ва келажак режалари учун илҳом ҳам олдим. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёшлар билан мулоқотда ҳар бир инсоннинг ўзига хос фикр юритиши ва муаммоларга инновацион ечим топиш қобилиятига эга эканлигини англадим.

## Энг таъсирли лаҳзалар:

HPAIR давомида бир қанча қизиқарли сессияларда иштирок этдим.

Дунёвий етакчилик ва келажак тенденциялари – Гарвард университетининг профессорлари ва олам етакчилари билан юзма-юз суҳбат менда юксак таассурот қолдирди.

Барқарор тараққиёт ва экология – дунёвий иқлим ўзгариши ва унинг иқтисодиётга таъсири ҳақида муҳокамалар.

Тармоқ яратиш (Networking) – Турли мамлакатлардан келган ёшлар билан тажриба алмашиш ва келажак ҳамкорликлари учун асос яратиш.

Энг ёдда қоларли дақиқалардан бири – ўз тажрибаларимни аудитория билан баҳам кўриш ва мутахассислар билан бевосита мулоқот қилиш имконияти бўлди. Шунингдек, ўз соҳасида етакчи бўлган мутахассисларнинг илҳомлантирувчи нутқлари менга катта таъсир кўрсатди.

## Нима учун HPAIR муҳим?

HPAIR фақат анжуман эмас – бу дунё миқёсида фикрлашни ривожлантириш, янги имкониятларни ўрганиш ва ўзгаришларга тайёр бўлиш учун ноёб дастур. Бу ерда ҳар бир иштирокчи ўз соҳасида қандай ўсиш мумкинлиги ҳақида тушунчага эга бўлади.

Бу тажриба менга шуни англатдики, чекловлар фақат бизнинг онгимизда мавжуд. Агар сиз ҳам юксак марраларни кўзласангиз, имкониятларни қидиринг ва ўз устингизда ишлашда давом этинг!

**Хулоса:**

HPAIR анжумани – бу фақат илм олиш эмас, балки дунёвий масалаларни муҳокама қилиш, янги дўстлар орттириш ва ўз шахсий тараққиётингизга туртки бериш имкониятидир. Агар сиз ҳам келажакда етакчи бўлишни хоҳласангиз, албатта, бундай халқаро анжуман ва дастурларда қатнашишга ҳаракат қилинг!




**Дилшода АЛИШЕРОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультети 4-босқич талабаси.**

Хушхабар!

# ҚАРНОҚЛИК ЎҚУВЧИЛАР ЯНА ҒОЛИБ!

**Қишлоқдаги Маҳмуд Қошғарий номли мактаб-лицей ўқувчилари 15-16 март кунлари Астана шаҳридаги Назарбаев университетида халқаро миқёсда ўтказилган «PIBONACCI INTERNATIONAL ROBOT OLYMPIAD» олимпиадасининг республика босқичида иштирок этишди.**




2 кун мобайнида 650та жамоа, 2000дан зиёд ўқувчилар ўз билимларини синадилар. Олимпиада якуни бўйича Маҳмуд Қошғарий номли мактаб-лицей ўқувчиларининг 4та лойиҳаси илғор инновацион лойиҳалар қаторидан жой эгаллаб, жорий йил 16-20 апрель кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтадиган Халқаро олимпиадага йўлланмани нақд қилишди.

Энди қарноқлик ўқувчилар Қозоғистон шарафини халқаро танловда ҳимоя қилишади.

Зукко ўқувчиларга раҳнамолик қилган қадрли устоз Аминжон Паттоев, мазкур мактаб-лицей директори Артур Асоев ва муовини Турор Маменов ҳамда мактаб ўқитувчилар жамоасини шогирдлари ютуқлари ила муборакбод этамиз.

**Саид ХАЙРУЛЛОҲ.**

# АФИНАДА 11та ОЛТИН

**Бадиий гимнастика бўйича Қозоғистон терма жамоаси Юнонистон пойтахти Афина шаҳрида ўтган «Aphrodite Cup 2025» X халқаро турнирида иштирок этди. Мусобақада 27 давлатдан ташриф буюрган спортчилар ўзаро куч синашди.**



Қозоғистон терма жамоаси 18та медални қўлга киритди, 11та олтин, шу жумладан, 3таси жамоавий баҳсларда, 6та кумуш, шундан 2таси жамоавий медаллар, 1та бронза медали.

Мусобақанинг ўн йиллиги муносабати билан Қозоғистон терма жамоаси «Aphrodite Cup»нинг барча тадбирларида иштирок этгани учун махсус мукофот билан тақдирланди.

**Sports.kz маълумотлари асосида.**

Директор – Бош муҳаррир Раймжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11600 нусха.

Буюртма: 671.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.